



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# ПОСНГА

Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 29 август, пайшанба • 35 (3459)-сон

## ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ ТОАБАД ПОРЛАЙВЕРСИН!

Барча ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийларини 1 сентябрь — Республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан чин юракдан самимий қутлайман.

Мустақил диёримизнинг буюк келажаги, равнақи ва тараққиёти йўлида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, эл-юрт осойишталиги ва Ватан сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш, демократик ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти

қуриш йўлида олиб бораётган машаққатли ва масъулиятли хизматингизда улкан зафарлар тилайман.

Сизларга, оила аъзоларингизга ва барча яқинларингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлсин.

**З. АЛМАТОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,  
ички хизмат генерал-полковниги.

### Халқаро алоқалар

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги-га Германия ички ишлар масалалари бўйича сенатори К. Бёзе, Ўзбекистондаги Германия элчихонасининг муваққат мухтор вакили Андреас Протман ва Германия криминал полицияси Федераль идорасининг Ўзбекистондаги вакили М. Ментшесдан иборат делегация ташриф буюрди. Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов қабул қилди.


У бўлиб ўтган суҳбат чоғида республика ички ишлар идораларининг асосий таркибий бўлинмалари, улар фаолиятининг энг муҳим йўналишлари ҳақида гапириб, делегация аъзолари эътиборини халқаро терроризм ва диний экстремизм кўринишларига, шунингдек гиёҳвандлик моддаларининг тарқалишига қарши олиб борилаётган курашга қаратди.

Сўнги йилларда иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан Германия криминал полицияси ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ўртасида ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди. Бунга немис мутахассислари томонидан республикада ички ишлар идоралари ходимлари учун мунтазам ўқув семинарлари ўтказиб келаётгани ёрқин мисол бўла олади. Жумладан, кинология, эксперт-криминалистика каби қатор хизматларни ривожлантириш борасида тадбирлар ўтказилди. Ходимларимиз Германия полицияси бўлинмаларида тажриба орттириб келишяпти. Немис ҳамкасбларимизнинг Ўзбекистон ИИВ тезкор хизматларини автотранспорт, энг замонавий криминалистик техника ва алоқа воситалари билан таъминлашда яқиндан ёрдам беришяётгани айниқса мақтовга лойиқдир.

К. Бёзе ўз сўзида самимий қабул, ўзини қизиқтирган барча масалалар бўйича батафсил маълумот беришгани учун ўзбекистонлик ҳамкасбларига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. У мавжуд алоқалар келажакда янада мустаҳкамланиши ва кенгайишига ишонч билдирди.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди. Унда республика ИИВнинг қатор бошқармалари раҳбарлари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.



*Меҳри — дарё олам,  
айём муборак,  
Айёминг муборак,  
заҳматкаш халқим.  
Камол топган диёр,  
байрам муборак,  
Байраминг муборак,  
меҳнаткаш халқим.*

*Садоқат боғининг  
қуёши ўзинг,  
Қуёши ўзингсан,  
она-Ватаним.  
Заҳматкаш халқимга  
бўл малҳам ўзинг,  
Малҳами ўзингсан —  
Ўзбекистоним!*

### Саф кўриги

## ШАЙЛИКЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида республика ИИВ аппаратининг барча бўлинмаларида саф кўриклари ўтказилди. Ҳарбийча қад-қоматга эга бўлиш, хизмат кийим-бошини (формасини) ораста кийиш, саф ҳаракатларини аниқ бажариш осойишталик посбонига хос хусусиятлардан бўлиши лозим.

Байрам кунлари уларнинг аксари ўз хизмат вазифаларини бажариш билан банд бўлишади, токи фуқароларимиз ўзларини тинч-хотиржам ҳис қилишсин.

Саф кўриги чоғида жиддий камчиликлар учрагани йўқ. Барча ходимлар бу муҳим тадбирга масъулият билан ёндошишди, ўз хизмат жойларида зиммаларига юкланадиган вазифаларни билимдонлик, маҳорат билан бажара олишга тайёр эканликларини намоийш этишди.

Шу кунларда саф кўриклари республика ИИВнинг жойлардаги идора ва бўлинмаларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

**УЧИНЧИ** «Поснга»  
gazetasining ilovasi  
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI  
+ TV LAM

## МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИВ ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси ходимларидан бир гуруҳи давлатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланди, фахрий унвонлар берилди. Улар орасида Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги ходимлари ҳам бор.

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”

Азизова Тожибархон Мўминовна — Ички ишлар вазирлиги қошидаги “Турон юлдузлари” ансамбли хонандаси

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Илҳомов Рустам Илҳомович — “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг махсус жисмоний тайёргарлик маркази бошлиғи

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Жўраев Шавкат Ашурович — “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спорт йўриқчиси

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи”

Аҳмедов Ўткир Ашурматович — Ички ишлар вазирлиги Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”

Таджиханов Убайдулла — Ички ишлар вазирлиги Академиясининг бошлиғи

### “Меҳнат шухрати” ордени билан

Лобанов Николай Борисович — Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ёнғин техникаси лабораторияси бошлиғи

### II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Оспанов Қуатбай Муратович — Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Ходжаев Валижон Муратович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, тергов бошқармаси бошлиғи

### “Дўстлик” ордени билан

Пачес Александр Владимирович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар кўмондонининг ўринбосари

### “Жасорат” медали билан

Абдуллаев Махмуд Рисбаевич (мархум) — Тошкент вилояти Пскент тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Ажибеков Раушан Сейдахметович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси тергов бошқармасининг бўлим бошлиғи

Арапатов Баҳром Аҳмеджанович — Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Балтабаев Азамат Нурумбаевич (мархум) — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси патруль-пост хизмати милиционери

Джалилов Мухаммад-Амин Тошпўлатович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Джумагулов Турсун Тургунович — Ички ишлар вазирлигининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Жумабаев Исакбай Сапарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

Мирахимов Шамурод Мавлянович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармасининг ҳарбий қисм командири

Мусаев Хамиджон Алиевич — Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост батальони милиционери

Назаров Сидик Зарифович — Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

Нишанов Қидирбек Саидуллаевич (мархум) — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси йўл-патруль хизматининг инспектор-кинолог

Нурбоев Жура Туракулович — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Саттаров Рўзбой Эсанович — Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар Бош бошқармаси взвод командирининг ўринбосари

Файзиев Иноят Исломович (мархум) — Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасасининг тезкор вакили

Чанышев Сергей Рамзесович — Ички ишлар вазирлиги отрядининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Шерматов Баҳодир Жўрахонович — Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг бўлим бошлиғи

Қобилов Бобир Рашидович — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш батальонининг милиционери

### “Шухрат” медали билан

Павлова Наталья Валентиновна — Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ёрдамчиси

Ҳошимов Абдували Воҳидович — Ички ишлар вазирлиги Ташкилий инспекторлик бошқармаси навбатчилик қисми бошлиғининг ёрдамчиси

Шариксиев Бадриддин Усмонович — Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, Ҳайъати ва шахсий таркиби мукофотланганларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо билан табриклайдилар. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган хизматларида янгидан-янги ютуқлар тилайдилар.

## ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРДА

Андижон вилояти ИИБда бўлиб ўтган тантанادا бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Д. Оқмирзаев шахсий таркибни Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан қизгин қутлади. Меҳнатда ўрнатқан бир гуруҳ ходимларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари берилди. Хизмат бурчини ўтаётган пайтда ҳалок бўлганларнинг фарзандларига дарсликлар, мактаб формаси ҳамда Андижон милицияси қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Жасоратнинг машаққатли йўллари” деб номланган китоби тақдим этилди.

\*\*\*

Вилоят ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказига байрам олдида фаоллар тўпланишди. Фахрийлар ташкилотининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги А. Фозиевнинг таклифига кўра улар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ички ишлар идоралари фахрийларининг оила аъзоларини йўқлашди.

\*\*\*

Олтинқўл тумани ИИБ раҳбарияти хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг хонадонларига боришди. Улар мархум милиция майори Э. Тешабоев, милиция катта лейтенанти С. Сагтовларнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатдилар.

О. ЙЎЛДОШЕВ,  
милиция подполковниги.

### Шу сонга хабар

## ЗАМОНАВИЙ КИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Кинология — ички ишлар хизматининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб борапти. Шу боис ҳам бу хизматни ривожлантириш, унинг имкониятларидан фойдаланишга катта эътибор берилляпти. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ички ишлар идораларида хизмат итларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги кинология марказини таъмирлаб, янги замонавий питомник барпо этишга қарор қилганди. Мустақиллик байрами арафасида марказ тўлиқ битказилиб, кинологлар ихтиёрига топширилди.

Марказнинг очилишига бағишланган йиғилишда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Одилов сўзга чиқиб, бу муассасанинг бунёд этилишида бевосита иштирок этган милиция ходимларига, бир қатор қурилиш ташкилотлари жамоаларига, шунингдек, доимий қўллаб-қувватлаб турган ИИБ раҳбариятига миннатдорчилик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов сўзга чиқиб, ички ишлар идораларида кинология хизматининг шу кундаги ўрни ҳақида тўхталди. Замонавий услубда қурилган, хизмат итларини кўпайтириш, боқиш, ўргатиш учун барча шароитлар яратилган кинология маркази ходимларига юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлашдек шарафли ишларида омадлар тилади.

Шундан сўнг вазир кинология марказини бунёд этишда фаол иштирок этган ходимлар ва қурувчиларга пул мукофотлари, бир гуруҳ ходимларга эса навбатдаги махсус унвонларни топширди.

Рамзий тасма қирқилиб, маросимга тўпланганлар марказ ходимлари ишлайдиган бино хоналарини айланиб шароит билан танишишди ҳамда питомник томон йўл олишди. Улар итлар ўргатиладиган машқ майдонида ҳид оладиган, хавфли шахсни қуролсизлантирадиган ва камикадзе итлар иштирокида намоён этилган машғулотларни кўриб, питомник билан танишдилар.

Ўз мухбиримиз.

## МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Қутлуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида хизматни ўташ даврида фожияли ҳалок бўлган ва хизмат бурчини адо этиш вақтида вафот этган ходимларнинг етти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган фарзандлари учун Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида хайрия тадбири ташкил этилди. Муборак айём ва янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 110 нафар болага моддий ёрдам кўрсатилди.

Ш. ДАЛИЕВ.

Суратда: хайрия тадбиридан лавҳа.

А. ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.



31 avgust – Qatag'on qurbonlarini ёд этиш куни

# ҲАМИША ДИЛИМИЗДА, ТИЛИМИЗДАСИЗ!

**Мустақиллик байрами яқинлашган сари пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи зиёратчилар билан гавжумлашади. Шу кунларда ушбу мўтабар гўшада бўлган киши қатагон қурбонлари авлодлари ўз яқинларини ёдга олаётгани, бир ёстиққа бош қўйишга аҳд қилган келин-куёвлар рамзий қабрга гул қўяётгани ёки ёш йигит-қизларга шу ерда тантанали равишда паспорт топширилаётганининг гувоҳи бўлади.**

Бўзсувнинг икки қиргогида ястанган бу сўлим ва сокин хиёбонга келиб-кетаётганларнинг кети узилмайди. Қуръони каримдан бир оят тиловат қилиб, ўтганлар руҳини ёдга олган отахон – Ҳожиакбар Имомов Бўзсув бўйидаги Фиёс Умаров маҳалласида яшар эканлар.

– Юртбошимизнинг ташаббуси билан қад тиклаган мажмуа ҳақиқий зиёратгоҳга айланди, – деди у киши фахр билан. – Халқимиз нотинч йилларда кўплаб мўтабар, миллатпарвар инсонлар адолатсизлик қурбони бўлишганини тушуниб етди. Бир пайтлар Алваси кўприк деб ном олган, Ватанимизнинг кўплаб асл фарзандлари бекафан, жанозасиз, ном-нишонсиз кўмиб ташланган шу жойларда ажойиб қадамжо бунёд этилгани барчамизни қувонтирди.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини нафақат юртимиз, балки Ҳамдўстлик давлатлари, хориждан келган меҳмонлар ҳам зиёрат қилишяпти. Бўзсув ёқалаб чўзилиб кетган йўлаб бўйлаб оҳиста қадам ташлаб бораётган ўрта ёшлардаги ва кек-

сароқ аёл зиналардан тепага кўтарилиб, рамзий қабр олдида келганда сукут сақлаб қолдилар. Уларнинг нигоҳи айвон пештоқига "Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир" деб ёзиб қўйилган лавҳага тушди. Мархумлар хотирасини ёдга олиб бир дақиқа бош эгдилар. Кейин эса ёдгорлик, тева-рак-атрофдаги яшиллик, тепадан пастга оқиб тушаётган зилол сувларни кўздан кечира бошлашди. Уларга яқинлашиб суҳбатга тортидик.

– Мен куни кеча Москвадан келдим, – деди ўзини Наталья Валентиновна Фёдорова деб таништирган аёл. – Ҳамроҳим эса онам Тагиля Николаевна.

– Тошкентни томоша қилиб кетай дебсиз-да.

– Шундай десам ҳам бўлади. Пойтахтга ташриф буюрган бошқа кишиларни билмадим, аммо Тошкент таровати, ўзбек халқининг сахийлиги менга яхши таниш. Чунки онам шу ерда яшайдилар. У кишини йўқлаб келганимда албатта зиёратгоҳга қадам ранжида қиламан. Мен мустабид тузум зулмини бошидан кечирган


миллатпарвар ўзбек ўғлонлари ҳақида кўп эшитганман, китобларда ўқиганман. Эндиликда уларнинг руҳи нечоғли эъзозланаётганининг гувоҳи бўлиб турибман.

– Ташландиқ ҳолга келиб қолган жой шу даражада обод қилинганидан мамнунман, – деди Тагиля Николаевна. – Бир таклифим бор. Яқин ўртада гул дўкони очиш керакми, дейман. Зиёратга келганлар дўкондан гул сотиб олиб, шаҳид кетганлар қабрига қўядилар.

Миллат гурури, эл шаъни, юрт равнақи учун ўз жонини берган боболаримизнинг хотирасини абадийлаштириб, ўтганлар хоки туробини зиёратгоҳга айлантиришдан ортиқ савоб борми оламда. Бу улуг ва савобли ишларга шахсан Президентимиз бошчилик қилаяптилар. 1999 йил май ойида юртбошимизнинг ўзлари келиб, қаерда қабр, қаерда хиёбон, қаерда ёдгорлик барпо этишни кўрсатиб берганларини ҳали кўпчилик унутгани йўқ. Қисқа вақт ичида зиёратгоҳ барпо этилди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ёдгорлик мажмуида қатагон қурбонларини ёд этиш маросими бўлиб ўта-япти. Тўнланганлар Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби Ватан озодлиги йўлида қатъият билан курашиб, жонини қурбон қилган ва шу ерда қатл этилган юзлаб юртдошларимиз хотирасини ёдга оладилар.


Яна бир қувончли томони, куни кеча бу ерда "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанادا Президентимиз Ислоҳ Каримов иштирок этди. Чор томони айвонли, миллий услубда бунёд этилган ушбу маскан фойдаланишга топширилгач, мажмуага узукка кўз қўйгандек мотушди.

Ушбу бинонинг ташқи томонига қадимий ёғоч ўймакорлик санъати асосида сайқал берилган. Ушбу иншоотда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Қўқон ва бошқа вилоятлардан таклиф



этилган кўли гул ўймакорлар, ганчкорлар, керамикачилар, ёғоч усталари меҳнат қилишди. "Усто" ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳунармандларининг ҳиссаси ҳам катта бўлди.

Айниқса, айвондаги безаклар ўзига хослиги билан кўзга ташланиб турибди. Ижодий изланишлар натижасида юз йиллар мобайнида орзу қилиб келинган айвонсозликнинг энг нодир намунаси яратилди. Айвоннинг тўрт то-



монидagi ёғоч ўймакорлиги, ганч, керамика безаклари ўзаро мутаносиб, яъни бир яхлит қилиб ишланган. Самарқандлик ва қўқонлик усталар яратган устунлардаги нақшлар ранг-баранг, бир-бирини такрорламайди.

Шу кунларда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуига ташриф буюрганлар ушбу маданият масканидан ўрин олган, қатагон йиллари қурбонлари ҳақида ҳикоя қилув-

чи ранг-баранг кўргазмалар билан танишишяпти. Бу эса миллатпарвар ота-боболаримиз ҳаётини чуқурроқ билиб олиш имконини бермоқда. Юртбошимиз айтганларидек, аслида биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва гурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-этиборини янада юксалтириш демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қадам қўйилди. Ўтганлар ёди ҳамиша дилимизда, тилимизда.

Саъдулла ШОДИЕВ.

## Огоҳлик — давр талаби

Пойтахтнинг "Бояқча" маҳалласидамиз. Кўпқаватли уйлар оралаб бораётганидир, қаршимиздан ўрта ёшдаги киши чиқиб:

– Ассалому алайкум, меҳмонлар бирор кишини излаб юрибсизларми? – деди.

– Маҳалла фуқаролар йиғини идорасига келаётгандик.

– Мен шу маҳалла посбони Мирзохид Алимов бўлман, малол келмаса ўзларингизни таништирсангиз, – деди ҳалиги киши.

Танишиб олганимиздан кейин у киши бизни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шокир Омонов ҳузурига бошлаб борди.

– Посбонимизга йўлиқдингларми, унинг назаридан четда қолиш қийин, – деди оқсоқол юзида табассум билан. – Маҳаллада яшайдиган одамларни бу кишичалик яхши биладиган йўқ. Шунинг учун ҳам уни посбонлар сардори этиб тайинлаганмиз. Бегона киши маҳалла оралаганини унинг қадамидан сезади.

Оқсоқол муддаомизни эшитиб минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши деб маҳаллани айланишни таклиф этди.

– Худудимизда саккиз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Тўққиз қаватли биноларнинг ҳар бирига масъул кишилар тайинлаганмиз. Улар бу ерга келиб кетаётганлардан хабардор бўлиб туришадилар. Шубҳали кишилар пайдо бўлса, дарров бизга ёки профилактика инспекторига

Байрам арафасида назоратни янада кучайтирдик. Айниқса, тунги посбонлар ташкил этилгани айтиш муддао бўлди. Ҳар бир кўпқаватли уйдан беш нафардан назоратчилар гуруҳи профилактика инспектори бошчилигида белгиланган йўналиш бўйича худудни эрталабгача

лигидан ташқари ички ишлар ходимлари билан ҳамкорлигини назарда тутяпмиз. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир бўлаётганини кўриб, билиб туриб индамай кетган, қўшнисининг уйини ўғри урса нафасини ичига ютганлар, орадан кўп ўтмай ўша жиноятчи ва ўғридан

ев. – Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек шаҳар хиёбонлари, томошагоҳлари, боғлар ва сайилгоҳларда жамоат тартибини сақлаш учун ходимларимиз хушёр туриб хизмат қиладилар. Белгиланган йўналишлар бўйича экипажлар ҳаракати кучайтирилади. Пойтахт-

барча маҳалла, мавзела, кўпқаватли уйларда назорат ишлари олиб борилмоқда. Жойларда профилактика инспекторлари билан биргаликда маҳалла посбонлари, жамоат ташкилотларидан, корхона, муассаса ва ҳўжаликлардан вакиллар иштирокида гуруҳлар тузилиб, кечакундуз назорат қилишяпти. Мамлакатнинг чегара худудларида отлик назоратчилар иши кучайтирилди. Одатдагидек, ички ишлар ходимлари аввало фуқароларнинг ёрдамига таяниб, улар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари зарур. Маҳалла фаоллари, кўчабошилар доимий таянчимиз бўлиб келишган ва шундай бўлиб қолади.

"Ўз уйингни ўзинг асра!", деган шиор доимий диққат марказимизда бўлмоғи лозим. Чунки уйимизни асрасак, маҳаллани асраймиз, бу эса Ватанини асраш дегани. Хушёр бўлсак хотиржам яшаймиз, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб, улуг мақсадлар сари дадил олға бораверамиз.

Ш. РЎЗИЕВ.

## ХУШЁР БЎЛСАК, ХОТИРЖАМ ЯШАЙМИЗ

хабар беришади. Ертўла, чордоқларни қулфлаб, калитини ишончли кишиларга топширганмиз. Уйлар остига жойлашган катта гараж ҳам доимий эътиборда, – деди у.

Оқсоқол худудни айлантираркан, бажарилган ишларни кўрсатиб, бир йўла уйларга масъул кишилардан кўндалик ахборотларни ҳам олиб борарди.

– Кўпқаватли уйларда яшовчилар билан ҳар ойда жадвал бўйича профилактика инспекторлари иштирокида суҳбат ўтказамиз, – дея сўзини давом эттирди Шокир ака. – "Ўз уйингни ўзинг асра!" шиорининг маънавиятини тушунириб, бо-

айланиб, текшириб чиқади. Ҳадемай республикамиз мустақилликка эришган кунни байрам қиламиз. Юртимизда истиқлол шамоли эсаётгани давлатимизнинг иқтисодий кудрати ошиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркамлашиб бораётганини кўролмайдиганлар кўп. Шунинг учун доимо огоҳ бўлишимиз, бошқаларни ҳам хушёрликка чақиришимиз керак. Зеро, пойтахтимизда рўй берган февраль воқеалари ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи лозим.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши учун нафақат хушёрлик, ҳамжиҳатлик ҳам зарур. Биз фуқароларнинг ўзаро иноқ-

жабр кўрганлар тўғрисида мисоллар кўп.

Кутлуг айём арафасида республикамизда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ички ишлар идоралари томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги У. Нарзуллаевга мурожаат этдик.

– Пойтахтимизга байрам тантаналарида иштирок этиш учун хорижий давлатлар, қўшни республикалар, шунингдек вилоятлардан кўплаб меҳмонлар ташриф буюришади, – деди У. Нарзулла-

тимизда, вилоятлар, туманлар марказлари, шаҳарлар, қишлоқларда Мустақиллик байрами тинч, осойишта ўтиши учун барча имкониятларни ишга соламиз. Шу ўринда фуқароларнинг мададига ҳам таянишимизни эслатиб ўтмоқчиман.

Республикамизнинг шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларида байрамолди профилактика ишлар ҳар қачонгидан кучайтириляпти. Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатларда огоҳ бўлиш, кўчада, маҳаллада бегона шубҳали кишилар пайдо бўлса, маҳалла оқсоқоли, профилактика инспекторига хабар бериш лозимлиги уқтириляпти. Тошкент шаҳридаги

Кейинги йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талабларини ҳаётга татбиқ этиш борасида республика Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусходжаев билан суҳбати ана шулар ҳамда янги ўқув йилига кўрилган тайёргарлик ҳақида борди.



## ИЛГОР УСЛУБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

— Абдумурод Анварович, аввало вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида амалдаги қонунлар талабларининг бажарилиши хусусида тўхталсангиз.

— Дикқатга сазовор томони, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратурага ўтилди. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида республика Олий ва ўрта таълим вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институту билан келишилган ҳолда давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказилди. Ана шу асосда ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ИИВ Академияси ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида мутахассис кадрлар тайёрлаш тўлиқ икки босқичда олиб борилмоқда. Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида бўлса икки босқичли ўқитиш тизимига ўтиш учун замин яратилаяпти.

— Кадрлар тайёрлаш қайси йўналишларда олиб борилмоқда?

— Тингловчи ва курсантларнинг билим савиясини янада холисона баҳолаш мақсадида ўқув тарбия жараёнига рейтинг тизими жорий этилди. Ўқитишнинг илгор услуб ва шаклларидан фойдаланиш учун маъруза заллари ва аудиториялар замонавий техник ўқитиш воситалари, компьютер техникаси билан жиҳозланди. Ҳар бир олийгоҳда тест маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда ИИВ Академиясида “юриспруденция” таълим йўналиши бўйича 4 йил давомида бакалавр кадрлар тайёрлаш вазифаси амалга оширилмоқда. Магистратурада бўлса ўқиш муддати 2 йил бўлиб, 6 та ихтисосликда мутахассислар етиштириляпти. Бу ўз навбатида ички ишлар идораларининг турли соҳавий хизматларига малакали кадрлар тайёрлаш имконини яратди. Бундан ташқари, Академиянинг раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича магистратурасида ички ишлар идоралари ва тизимларининг ўрта ҳамда олий бўғинлари учун юқори малакали бошқарув мутахассислари тайёрланмоқда.

Вазирлик Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида “ҳаётий фаолият

хавфсизлиги”, “радиотехника” таълим йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар ҳамда “ёнғин хавфсизлиги” ихтисослиги бўйича магистр кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, 2002/2003 ўқув йилидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда мактаб базасида янги “информатика ва информацион технология” таълим йўналиши бўйича бакалавр кадрлар тайёрланмоқда.

Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида эса бугунги кунда 8 та таълим йўналиши бўйича тайёрланаётган бакалавр кадрлар Ички ва Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисмлари ва бўлинмаларига, Жазони ижро этиш муассасаларига кейинги хизматни ўташ учун юборилмоқда.

— Тингловчи ва курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Республика Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг битирувчилари ҳозирги вақтда нафақат мамлакатимиз ички ишлар идораларида, балки барча ҳуқуқ-тартибот органлари ва Мудофаа вазирлигининг ҳарбий бўлинма ва қисмларида ҳам муносиб хизмат қилишмоқда. Улар ҳақида ижобий тавсиялар билдириляётгани қувончлидир.

Малакали кадрлар тайёрлаш ишлари мутахассис зобитларни ўқитиш сифатини ошириш, ички ишлар идоралари ва тизимларида амалга ошириляётган ислохотларни самарали таъминлайдиган ходимларни ўқишдан кейин хизмат жойларига юборилиши инobatга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Олий таълим муассасаларида ўқув моддий базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бирга тингловчи ва курсантларга фанларни чуқур ўзлаштириш ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитлар яратиб берилган.

Айтайлик, ИИВ Академиясида тингловчилар учун 2400 ўринли янги ошхона фойдаланишга топширилди, соғломлаштириш спорт мажмуаси, санъат саройи фаолият кўрсатмоқда, маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг Сирғали туманидаги худудида 1000 ўринли янги ошхона, ўқ отиш тири, спорт

зали фойдаланишга топширилди, ўқув спорт базаси жадал сурьатларда барпо этиляпти. Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида бўлса замонавий ҳарбий дала ўқув машқ майдони ташкил этиш юзасидан зарурий тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

— Жорий 2002/2003 ўқув йилида ўқишга номзодлар танловини ўтказиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Ҳар бир янги ўқув йили каби, бу йил ҳам олий таълим муассасаларида ва вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш хизматида ўқишга номзодлар танловини юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилиниб, амалга оширилди.

Республика ички ишлар идоралари ва тизимларини малакали кадрларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжлари атрофлича ўрганилиб, унинг таҳлили асосида 2002/2003 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул кўрсаткичлари бўйича таклифлар тайёрланди ва ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Олий таълим муассасаларига ўқишга муносиб номзодларни танлаб олиш, уларнинг шахсий ҳужжатларини расмийлаштириш ва соғлигининг ҳолати бўйича тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини талаб даражасида ташкиллаштириш борасида барча ички ишлар идораларида ишчи комиссиялари тузилди.

Шу билан бирга, тасдиқланган режа тақсимот асосида жойлардаги ички ишлар идоралари ва тизимлари томонидан ўқишга номзодларни танлаш, ўрганиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш, таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни қабул қилиш мақсадида зарурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди.

Абитуриентлар танловини талаб даражасида ва холисона ўтказилишини ташкиллаштириш, ўқишга энг қобилиятли ва муносиб номзодларни танлаб олинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Мандат комиссияси ҳамда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари ташкил этилди.

Абитуриентлардан профиль имтиҳонларини қабул қилиш жараёнида қабул комиссиялари фаолияти назорат

қилиб борилди, махсус штаблар томонидан абитуриентлар, уларнинг яқинлари билан учрашувлар, маслаҳат машғулотлари ўтказилди. Ҳар бир олий таълим муассасасида фуқароларнинг эътирозлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқувчи апелляция комиссияси фаолият юритди.

Вазирлик олий таълим муассасалари кундузги ўқитиш бакалавриятига қабул имтиҳонларини ўтказиш давомида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва ўтаётган фуқароларга, республика ҳарбий ҳамда ҳуқуқий-касбий лицейлари битирувчиларига имтиёзлар яратиб берилди.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ҳолати қониқарли, деб ҳисоблайсизми?

— Вазирлик олий таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. Ўқув дастурларига кўра, ўқишнинг биринчи босқичига қабул қилинган тингловчи ва курсантлар учун ҳарбий дала ўқув машқлари ташкил қилиниб, ўтказилмоқда. Тўртинчи босқич тингловчи ва курсантларининг ички ишлар идоралари ва тизимларида амалий иш ўрганиш жараёнини ташкиллаштириш учун етарли замин яратилди. Ўқув моддий базани мустаҳкамлаш, ўқув тарбия жараёнига илмий даража ва унвонга эга малакали педагог кадрларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, вазирлик олий таълим муассасалари базасида мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланилган ҳолда ҳар ўқув йили давомида ички ишлар идоралари ва тизимлари ҳарбий бўлинмаларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчилар таркибининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда.

Деярли барча тоифадаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар олий таълим муассасалари малака ошириш институтлари ва факультетларида ўқув йили давомида ташкиллаштирилган машғулотларда иштирок этиб, назарий билим ва амалий кўникмаларини бойитиб боришди.

Мазкур ўқув йилида ҳам таълимнинг илгор услуб ва шаклларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу эса малакали мутахассислар тайёрлашга пухта замин яратади.

Суҳбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ.

# UCHINCHI «Посижа» gazetasing ilovasi

## + TV OLAM


TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV



OLAM

Собиқ шўро фуқаролари Ури Геллер ҳақида илк бор хабар топганларига чорак асрдан ошди. 1975 йили ўша даврда машҳур бўлган "За рубежом" ҳафталигида ажабтовур сурат билан мақола чоп этилди. Суратда стол ёнида ўтирган йигит ва стол устида эгилган, букилган, синган қошиғу вилка (санчқи)лар акс этган эди. Мақола ҳам фотосуратга монанд "Вилкаларни букувчи Ури Геллер!" деб номланган эди. Унда металл жиҳозларни қўл текизмасдан букиш хусусиятига эга бўлган одам ҳақида ҳикоя қилинарди.



# УРИ ГЕЛЛЕР МЎЪЖИЗИАСИ

Ўша пайтларда одатдаги тасавуру илмий қарашлар доирасидан ташқари чикувчи ҳар қандай қобилиятга уйдирма ёки кўзбойлағичлик сифатида қаралар эди. Ури Геллер ҳам анъанага мувофиқ қаллоб деб аталди ва унинг номи узоқ йиллар шўро газета ва журналларида тилга олинмади.

Бу ёш йигит эса жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини кезиб, нодир истеъдодини кенг, муҳташам залларда минглаб одамлар кўзи ўнгида намоиш этишда давом этаверди. Ўзидаги қобилият сиридан Ури Геллернинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Шунинг учун дунёнинг йирик илмий марказларида турли тажрибалар ўтказишга бажонидил розилик берди. Тадқиқотчилар мўъжизакор ҳодисанинг ҳақиқийлигига бирор марта бўлсин шубҳаланишмади. Афсуски, олимлар мўъжизани тан олишдан нарига ўта олишмади. Геллер мўъжизасини изоҳлаб беришга уларнинг кучлари етмади. Чунки бунинг учун мавжуд замонавий илмий-фалсафий қарашларнинг асосини бузишга тўғри келарди. Бунга кимнинг ҳадди сиғади? Аммо олимларнинг уринишлари зое кетмади. Улар Урининг янги ғаройиб қобилиятларини кашф этишди. У ёпиқ фотокамера плёнкасига ўз тасвирини тушириш, бошқалар фикрини ўқиш, самолёт бортида туриб ер қаъридаги фойдали қазилмаларни топиш, ҳатто компьютер хотирасини ўчириш хусусиятларига ҳам эга экан!

Биз Геллернинг номини 1989 йил 25 декабрда Россиянинг ўша пайтдаги машҳур "Семь дней" теледастурида эшитдик. Кўрсатувда Ури ирода кучи билан Лондоннинг Бич-Бен минорасидаги соатларни тўхтатиб қўйгани ҳақида ҳикоя қилинган эди.


### КУМУШРАНГ ЁҒДУ

Ури Геллер 1946 йил 20 декабрда Тель-Авивда туғилди. Онасининг қизлик фамилияси Фрейд эди. Бобоси эса оилавий гап-сўзларга қараганда буюк психоаналитик Зигмунд Фрейднинг узоқ қариндоши бўлган.

Ури уч-тўрт яшарлигида ғаройиб ҳодисани бошдан кечирди. Қош қорайишига яқин, аммо ҳали атроф ёруғ эди. Ури бир ўзи ҳовлидаги боғчада ўйнади, гоҳида ўтириб дам оларди. "Тўсатдан, — дея ҳикоя қилади у, — қулоғим қаттиқ шанғиллаб кетди. Осмонга қарасам — шу нарса жуда яхши эсимда қолган, само бошдан-оёқ кумуш ёғдуга тўлган эди! Бу ёғду менга ҳам яқинлашиб келди, чоратрофимни қоплади. Шу пайт кучли зар-

бани ҳис қилдим ва юзтубан йиқилдим! Қанча пайт хушсиз ётганимни билмайман".

1971 йилда олимлар Геллернинг ўзи унутган ҳаётини лавҳаларини эслатиш учун уни регрессив гипнозга туширишди. Ҳақиқатан ҳам, Ури гипноз остида



ўзи ҳақида кўплаб янги маълумотлар берди. Унинг сўзлари магнит тасмасига ёзиб олинди. Сеансдан сўнг тасмадаги ёзувни эшита бошлашди. Ҳовлидаги боғчада юз берган ҳодиса ҳақидаги ҳикоя бошланганда Урининг овоз тембри ғалати, ҳатто этни жунжиктирадиган тусда эди. Геллернинг ўзи сирли кўркўв ҳис қилиб хонадан қочиб чиқди!

Ҳикоячининг овози механик товушга, гўёки компьютерниқига ўхшарди. У кумушранг ёғду боғчада бола вужудига жо бўлган қудрат эканини, ўшандан буён бу бола одамларга ёрдам бериши лозимлигини айтди. "Бу коинотдан келган келгиндилар билан боғлиқ, — дея давом этди овоз, — аммо бу ҳақда гапиринишга ҳали эрта. Вақти келиб, ҳаммасини билиб оласизлар".

### АРТУР КЛАРК ВА УРИ ГЕЛЛЕР

Геллернинг ғайриоддий қобилияти билан таниқли фантаст-ёзувчи ва "коинот пайғамбари" Артур Кларк қизиқиб қолди. Ури ҳам ижодкор билан учрашишни истарди. Чунки Артур бундай мўъжизалар фақат фантастик асарларда бўлади деб ҳисобларди.

Учрашув чоғида Геллер уйининг калитини унинг қўлига тутқазиб: "Алмаштириб қўймаслигимга ишонишингиз учун ундан кўзингизни узманг", деди. Орадан бир неча сония ўтиб калит эгила бошлади! Таниқли ёзувчи "Ё худойим, буни кўряпман! Калит эгиляпти!"

деб бақриб юборди. Урининг Гейгер ҳисоблагичига (радиоактивлик даражасини ўлчовчи асбоб) таъсир кўрсатганига гувоҳ бўлгач, Кларкнинг шубҳалари бутунлай тарқалди.

Ури экстрасенс сифатида машҳур бўлиб кетди. Экстрасенс ана шу йўл билан машҳур ракетасоз, доктор Вернер фон Браунни ҳам лол қолдирди. У доктордан бармоғидаги салмоқли никоҳ узугини ечиб, кафтида ушлаб туришини сўради. Ўзи эса қўлини ракетасознинг қўли ёнига қўйиб, аммо унга тегмасдан диққат билан узукка тикилди. Бир неча сония ўтиб узук эгилиб, япалоқ шаклга кира бошлади! Кейинчалик доктор журналистларга: "Геллер буни қандай қилгани ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмасман. Фақат бир нарсани аниқ била-



### ХАЙРАТОМУЗ ТАЖРИБА

Ўшанда Ури Геллер анча машҳур бўлиб қолган эди. Мюнхенда бир журналист ундан: "Сен осма вагонни осмонда тўхтата оласанми?" деб сўраб қолди. Шунда Ури: "Бутун бошли қошиғу вилкаларни бука олсам, нега энди вагоннинг тўхташига сабаб бўладиган аллақандай детални эга олмас эканман", — деб жавоб берди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Улар Мюнхен яқинидаги осма арқон йўл томон равона бўлишди.

Ури ҳалиги журналист ва яна бир неча репортёр билан вагончага ўтирди. Пича йўл босишгач экстрасенс вагонни тўхтатиш учун бир неча бор уринди. Аммо фойдаси бўлмади. Вагонча унинг фикрий зўриқишларига парво қилмай дам кўтарилиб, дам пасайиб олиб борарди. Шунда Ури енгилганини тан олиб, тажрибани бас қиламиз, деди. Вагончадаги одамларнинг кайфияти тушиб

кетди, ҳафсаласи пир бўлди. Аммо орадан бир-икки дақиқа ўтиб вагон тўхтаб қолди! Механик бошқармага кўнғироқ қилиб, нима гаплигини суриштира бошлади. Бошқармадагилар сабабсиз, ўз-ўзидан асосий рубильник ўчиб қолганини айтишди! Уни ёқишгач вагон жойидан кўзгалди.

Геллернинг немислар телевидениесида чиқиши яна бир шов-шувга сабаб бўлди. Унинг чиқиши пайти уй бекаси Барбара Шейднинг хонадониди мўъжиза рўй берди. Ёпиқ ошхона жовониди у 53 предметли сервисни сақларди. Ҳамма вилкалар, қошиқлар ва пичоқлар латтага ўралган эди. Телекўрсатувдан сўнг бека қараса, уларнинг ҳаммаси эгилиб қолибди. Барбара хоним мўъжизага гувоҳ бўлишлари учун атайлаб полициячиларни чақирди.

Аммо Геллер билан боғлиқ энг ҳайратомуз ҳодиса Лондонда юз берди. Экстрасенснинг хорижий сафарларига ҳомийлик қилувчи Америка компанияси раҳбарияти ундан реклама мақсадлари учун Лондондаги машҳур Бич-Бен минораси соатларини бир неча дақиқа тўхтатиб қўйишга уриниб кўришини сўради. Бу сўров факс орқали келди ва Урини руҳлантириб юборди. Сабаби, унга оддий иш бўлиб қолган кичкина соатларни тўхтатиш билан улкан Бич-Бен соатларини тўхтатиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди.

Эртаси куни тонгда у Бич-Бен минораси тасвирланган эски суратни топди. Соатхонага қариб, бутун фикру ўйини минорага қаратиб пича тикка турди. Кейин майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб, ўзининг эрталабки уринишлари ҳаёлидан кўтарилди. Орадан бир неча соат ўтиб Урининг кабинетига хотини югуриб кириб қичқириб юборди: "Бич-Бен минораси соатлари тўхтаб қолибди!" Ури Геллер зудлик билан Америкага сим қоқди.



"Менинг қувватим ҳеч қачон одамларга зиён етказмайди, — дейди Ури. — У ҳеч қачон учиб кетаётган самолёт моторини ишлашдан тўхтатмайди. Қизиқ, менимча бу ноёб қобилиятимни гойибдан бошқариб турувчи аллақандай куч борга ўхшайди".

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## Саломатлик саҳнаси



## ЧАРЧАШНИНГ ДАВОСИ

**Қаттиқ чарчадингизми? Бардам бўлишни хоҳлайсизми? Бунинг учун қаҳва ичиш шарт эмас. Яхшиси, тўйиб ухлаб олинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, эртага вақтли туришингиз талаб этилса, унда ухлаш олдида ванна қабул қилинг. Аммо оддий эмас, махсус ванна.**

Бунинг учун бир дона лимон олинг. Юпка парраклаб, устига илиқ сув қуйиб, 2-3 соат тиндиринг. Сўнг уни тана ҳароратидан паст бўлмаган (мутахассисларнинг фикрича, камида 39 даражали) ванна сувига қуйинг. Ваннада 20 дақиқа ётинг. Қараб-сизки, бутун чарчоқларингиз унут бўлади.

Чарчоқни тарқатиб, кайфиятни кўтаришнинг яна бир эски усули бор. Икки дона апельсинни яхшилаб ювинг. Уларнинг пўстини арчиб, қуритиб, майдалаб кукун ҳолига келтириб, устига икки ош қошиқ ўсимлик ёғи (энг яхшиси, зайтун ёғи) қуйинг. Униям илиқ ванна сувига аралаштиринг.

Овқатланишга ҳам кўп нарса боғлиқдир. Агар сиз доимо ўзингизни ҳорғин ҳис қилсангиз, демек овқатланиш меъерингиз мувофиқлаштирилмаган, унда дармондорилар, минерал (маъданли) моддалар етишмайди. Чехиялик диетологларнинг фикрига кўра яшаришнинг манбаи табиий егуликлардир.

Помидорнинг юракка нафи катта. У кам калорияли бўлгани билан калийга бойдир. Бу модда эса юрак-қон айланиш тизимининг фаолиятини яхшилайди.

Саримсоқ пиёз иммун тизимини мустаҳкамлайди. Унинг таркибидаги оқсил организмни ташқи борлиқнинг зарарли таъсиридан ишончли ҳимоя қилувчи заррачалар ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Ёнғоқ — миянинг озуқасидир. Агар асабларингиз бўшаган бўлса, кўпроқ ёнғоқ энг. У асаб тизимини мустаҳкамловчи,


ақлий фаолиятни яхшиловчи, тажангликни тарқатувчи В дармондорисига бойдир.

Банан — бамисли қувват омборхонаси, кони. Бошқа ҳеч бир мева организмга бананчалик (45-60 дақиқагача) бардамлик бағишламайди. Унинг таркибидаги углеводород ва ёғларнинг камлиги холестерин даражасини пасайтиради, калий эса инфаркт ҳамда инсультнинг олдини олади.

Сабзи — ҳужайраларнинг тўйимли озуқасидир. Ҳужайраларнинг яшариш манбаи ҳисобланган А дармондорисига сабзи ниҳоятда бой. У терини ташқи борлиқнинг зарарли таъсирларидан, ажин тушишидан асрайди, силлиқ қилади. Бундан ташқари сабзи таркибидаги бетакаротин моддаси ичак ракиннинг олдини олади.

Сут бахт келтиради. Сут оқсили тиросинга бой. Бу ами-

нокислота бош мияда — стеротонин ишлаб чиқишни тезлатади. Сут таркибидаги В дармондориси ҳуснбузарларни йўқотади, бош терисини мустаҳкамлайди, соч учун ҳам фойдали.



## КОНИ ШИФО

**Турп ҳам кўплаб касалликларни даволашда қўл келлади. У кальций, магний ва калий тузларига, аскорбин кислотасига бой.**

Турп ошқозон ширасини кўпайтиради, овқат ҳазмини яхшилайди, организмдан ортиқча холестериннинг чиқиб кетишига кўмаклашади. Турп шарбати жигарни, ўт пуфаги-

ни, ошқозон ости безини, лимфатик тизимларни даволашда самарали воситадир. Уни асал ёки шакар билан 1:1 нисбатда аралаштириб ҳар кун 3-4 марта бир ош қошиқдан истеъмол қилсангиз, кўкйўтал, юқори нафас йўллари шамоллаши, бронхит каби касалликлардан халос бўлишда балғам кўчирувчи сифатида ёрдам беради.

Бод, бўғин оғриқлари, миозит, неврит, радикулит каби хасталикларни даволашда турп шарбати билан бўғинлар ишқаланади. Турпнинг шарбати ва қирғичдан ўтказилгани йирингли жароҳатлар ҳамда яраларнинг тузалишини тезлатади.

Баъзи ҳолларда турп зиён келтириши ҳам мумкин. Масалан, буйрак, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларига чалинганлар уни истеъмол қилмасликлари лозим. Юраги хасталар ҳам меъридан ортиқ ейишмагани маъқул.

## ЯНА АСАЛ ҲАҚИДА

**Бу мўъжизакор табиат неъматининг шифобахш хосиятлари ҳақида кўп ёзилган. Унинг таркибида глюкоза, фруктоза, ферментлар ва аминокислоталар, дармондорилар ва микроэлементлар, яна қанчадан-қанча организм учун зарур, фойдали моддалар бор. Асал профилактик мақсадларда ҳам фойдаланилади. У организмнинг жисмоний ҳамда руҳий чидамлилигини оширади.**

Аммо бунинг учун харид қилган асалнинг тоза бўлиши керак. Уни дўкондан харид қилсангиз, сифат сертификатини кўрсатишларини талаб қилинг. Асал икки-уч ойдан сўнг қуюлади. Унинг айрим навлари қуюлиши учун ҳатто бир йил талаб этилади. Асалга сув қўшилган-қўшилмаганлигини аниқлаш осон: унга бир томчи сирка томизасиз. Агар у пишилласа — демек сув аралаштирилган! Асал одатдагидан оқиш бўлса, бу асаларини шакар билан боқишганини билдиради. Бундай асалнинг ҳеч қандай шифобахш хусусияти бўлмайди, ҳисоби.

Асални куруқ, салқин бинода, қора шиша банкада сақлаган яхши. Аммо музлатгич тўғри келмайди — унинг ичида намлик меърдан ортиқ. Энг мувофиқ ҳарорат +15° даражадан ошмаслиги керак. Асал ўзининг шифобахшлик хусусиятларини бир йил мобайнида сақлайди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## МЕЪДАНГИЗ ҚАЙНАСА

**Меъда қайнашига сабаб ошқозон ширасининг кўп ёки тез овқат ейиш натижасида қизилўнғачга кўтарилишидир. Аммо бу тез-тез такрорланаверса, шифокорга мурожаат қилинг.**

Одатдаги меъда қайнашларида америкалик шифокорларнинг қуйидаги маслаҳатларига амал қилинг.

Дорихоналарда тавсияномасиз, эркин сотиладиган дори-дармонлардан фойдаланинг.

Овқат ейишингиз билан ухлагани ётманг. Тикка турганингизда ёки ўтирганингизда овқат тезроқ қизилўнғачдан ошқозонга ўтади.

Чекишни ташланг. Чекиш жиғилдон қайнашини кучайтиради.

Қаҳва, спиртли ичимлик ёки шоколад истеъмол қилишдан сақланг.

Семиз бўлсангиз, озиш ҳаракатига тушинг. Ортиқча вазн қизилўнғачнинг иш фаолиятига салбий таъсир қилади.

Бир ўтиришда бўкиб овқат ейишдан сақланг. Яхшиси, кам-кам, аммо тез-тез овқатланг.

## КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси марказининг маълумотларига кўра, 2002 – 2005 йилларда ўлат (чума) касаллиги ҳайвонлар орасида фаоллашуви (эпизоотия) кутилмоқда. Касалликнинг табиий ўчоқлари эпизоотияларининг навбатдаги кўтарилиши сабабли одамлар ўртасида тарқалиши эҳтимоли бўлган мураккаб эпидемик вазият вужудга келиши мумкин. Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Марказий Осиё давлатларида касаллик тарқалиши мумкин бўлган ҳудудлар мавжуд. У ерлардан касаллик кўзгатувчиларини ташувчи кумсичқонлар топилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолининг эпидемик беқарор гуруҳлари орасида профилактик эмлаш ва эпидемияга қарши тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Касаллик асосан чўл ва аҳоли пунктлари атрофларида яшайдиган кемирувчилардан одамларга юқувчи тери, ўпка ва лимфа тугунларини зарарлайдиган ўта ўткир юқумли касалликдир.

Касаллик икки турда бўлиб, ҳозирги кунда катта муаммо ҳисобланмайди. Чунки тиббиёт ютуқлари ва ишлаб чиқилган чора-тадбирларни самарали қўллаш орқали бу касалликдан самарали ҳимояланиш мумкин. Бунинг учун эса аввало аҳоли касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини

яхши билиши керак. Касаллик кемирувчилар (чўл кумсичқонлари, юмронқозиқ)да ва баъзан бўри ва туяларда табиий ўчоқ ҳолида сақланади. Бурга, кана, ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали одамларга юқади. Масалан, ҳайвон ўлганда унинг баданидаги бурга шу захоти бошқа жониворни чақса сўлаги орқали касаллик кўзгатувчиси қонга ўтади. Баъзан чивин ҳам касаллик ташувчи вазифасини бажариши мумкин.

Касаллик асосан қон (кана ва бургалар чаққанда), озиқ-овқат маҳсулотлари (касал ҳайвон гўштини истеъмол қилганда), ҳаво (бемор билан мулоқотда бўлганда) орқали юқиши мумкин. Касаллик беҳосдан бошланади, юқори ҳарорат, ҳолсизлик, титраш, иштаҳа йўқлиги, бош оғриғи, бурундан қон кетиши, тез чанқаш, ич кетиши, тез-тез қайт қилиш, ўткир ҳолларда ҳушдан кетиш, юрганда тебраниш, алаҳсираш ва сўзларнинг чалкашлиги кузатилади.

Юқоридаги белгилар бўлганда беморни дарҳол мутахассис шифокорга олиб бориш керак. Беморнинг соғайиши касалликни эрта аниқланиши ва даво чораларини тез бошлашга боғлиқ.

Касалликнинг олдини олиш учун шифокор маслаҳатига қатъий амал қилинг.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,  
тиббий хизмат полковниги.

ДУШАНБА, 2

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Мафтункор кабутарлар".
9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.40 "Бугуннинг одамлари".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Сен борсан". Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси диторчилар ансамблининг концерти.
12.05 "Ягона оилада".
12.40 "Хамроҳ". Теленовелла.
13.30 Эстрада тароналари.
13.55, 14.30 ТВ анонс.
14.10 "Талабалик йилларим".
14.35 Кундузги сеанс: "Самодаги пойғалар". Бадий фильм. 1-кисм.
16.10 "Шу азиз Ватан барчамизники".
16.30 ТВ клип.
"Болалар сайёраси":
## ОМАД ЁР БЎЛСИН!

5 сентябрь куни 17 ёшгача бўлган футболчилардан иборат ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионатининг финал қисмида иштирок этиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетади. Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ана шундай нуфузли мусобақада икки марта қатнашишга мувоффиқ бўлган, аммо омад кулиб боқмаган. Жамоа раҳбарлари Р. Инилеев ва Д. Нуралиевлар бу гал мухлисларни хушнуд этишади, деган умиддамиз.

Ланка вакилларини 4:0, қирғизистонликларни эса 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Шу тартибда чемпионатнинг финал қисмига йўлланма олишти. Аммо жамоа раҳбарлари бу билан чекланиб қолмадилар.

— Ҳар ойда назорат баҳслари ташкил этиб, жамоа асосини аниқлаб олдик, — деди Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар бўлими бошлиғи А. Климов. — Ҳалқаро учрашувларда эса ёш футболчиларимиз ўз тажрибаларини ошириб боришти. Жамоа яқинда Қатардан қайтиб келди. У ерда Эрон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби олтита кучли жамоа иштирокидаги турнирда қатнашиб, учинчи ўринни қўлга киритди. Нати-

жа кутилган даражада бўлма-са-да, футболчиларимиз масъулиятли учрашувлар олдидан амалий кўникма эгаллашти, деб ўйлайман.

Осиё чемпионатининг финал қисмида терма жамоамиз иштирок этаётган гуруҳда Япония, Қатар ва Сурия мамлакатлари вакиллари бор. Йигитларимизга осон бўлмаслиги кўришиб турибди. Уларга “Омад ёр бўлсин!” деймиз.

**С. НИКОЛАЕВ.**



# САЙЁРАМИЗНИНГ СИРЛИ ЖОНИВОРЛАРИ

## ЖОНИ ТЕМИР МАХЛУҚЛАР

**Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам шундай, ер юзида олимлар учун ечиб бўлмас жумбоқлар туғдирадиган бошқа бундай жонзот йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг.**

Олимлар ҳалигача тажриба остидаги кемирувчилар чиқиб кета олмаган лабиринт тузишга муваффақ бўлишмаган. Бир марта каламушлар сут маҳсулотлари сотиладиган дўконга кириб олиб, дабдабали зиёфат уюштиришган эди. Улар учун пластмасса кути катакларидан турган кефир шишалари қопқоқларини очишда ҳеч қандай муаммо туғдирма-са-да, кефир мазасини татиб кўриш қийинроқ бўлди. Лекин бу муаммо ҳам ечимсиз қолмади. Каламушлардан бири думини идиш ичига бо-тириб, кейин оғзига олиб келиб ялаб кўрди. Дарҳол шериклари ҳам ундан намуна олишди.

Каламуш энг тараққий этган жониворлар сирасига киради. Унинг жисмонан ривожланганлиги ҳам, ақлий қобилияти ҳам кишини ҳайратга солади. Бу махлуқ икки метрдан ортиқ юқорига сакрай олади, бир метр ер остига ҳеч қийинчиликсиз кавлаб кириб кетади. Бир километр кенгликдаги дарёдан кечиб ўтиш унга чўт эмас. Югуриш тезлиги соатига 10 километр. Бир кунда юраман деса 48 қақиримгача йўл босиб кўяди. Одатда эса 8-17 км масофани кезади. Каламушнинг жағлари бир квад-

рат дуюмни 12 тонна куч билан тишлайди. Бундай қудрат фақат наҳангла-дагина бор.

Унинг иштаҳаси зўрлиги ҳақида турли миш-мишлар юради. Бир автомобиль устахонасида каламуш боласи асбоб-ускуналар сақланадиган пўлат жовонга та-



содифан қамалиб қолади. Икки ҳафта “ҳибс”да бўлган “болакай” у ердаги бор солидол (автомобиль мойи)ни еб битиради. Энг қизиғи, у организми заҳарланишидан эмас, балки чанқашдан ўлган.

Кулранг каламуш буғ қозонлари остида 45 даражали иссиқда ҳам, музлатгич камералари ичида ўн даражали совуқда ҳам ўзини бирдай яхши ҳис қиладди.

Тарихда яна шундай факт маълум. Тинч океандаги Кважалейн оролида америкаликлар водород бомбаси сино-

вини ўтказгач, тирик мавжудотлар ичида фақат каламушларгина омон қолишганлигини пайқашади! Радиация таъсири остида улар янаям семириб, чидамли бўлиб қолишган экан. Буни кўрган ҳарбийларнинг аҳволини кўз олдингизга келтираверинг.

ХІХ асрда уларни шайтоннинг укалари деб ёмон кўришар экан.

Ўртача каламуш бор-йўғи бир дуюмлик тешикдан ўтиш, тикка деворга тирмашиб чиқиш хусусиятига эга. У сувда уч кунгача жон сақлайди, кўрғошин тунукалар, бетон тўсиқларни кемиради. Йил давомида бир жуфт каламуш 15 минг донагача насл қолдиради. Осмон-ўпар бинолар ҳам уларга чўт эмас. Оқава сув қувурлари бўйлаб энг юқори қаватларга ҳам бемалол кўтарилишади.

Ана шунақа. Бу гаплардан кейин каламушларни жонивор дейишга ҳам тилинг бормайди.

## ТАБИАТ ЖУМБОҒИ



**Америкалик океаншунослар Мексика кўлтиғида 5 километр сув қаърида нақ етти метрлик номаълум махлуқни топишди. Агар ўзини ғалати тутмаганида, шунингдек пайпаслагичлари кўпроқ бўлмаганида уни одатдаги, фақат баҳайбат саккизоёқ деб ҳисоблашган бўларди. Аввалига шундай деб ўйлашди ҳам.**

АҚШ Денгиз балиқчилиги миллий хизматининг бир гуруҳ олимларига тегишли бу топилмани табиат жумбоғи деб аташ мумкин. Иллюминатор орқали кузатилган бошқа саккизоёқлардан фарқи булар секин ҳаракат қиларди. Уларнинг саккизта оёғию иккита сузгичи эмас, балки ўнта бир хил ўсимтаси бор эди. Мазкур ўсимталарнинг териси танасиники билан бир хил эди.

Олимларнинг бир овоздан тасдиқлашича, сирли мавжудот сув ости аппаратидан чўчимаган, одатдагидек яширинишга уринмаган. Аксинча қизиқиб, унга яқин келиб кузатган, ўрганган. Сўнг “қулочини” ёйиб, бир неча дақиқа шу алфозда турган.

Ана шундай ҳолатда уни тасвирга туширишган. Ҳозирда бу сурат махфий равишда ўрганил-япти.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**




## “МАШҲУР КИШИЛАР” КРОССВОРДИ

**ЭНИГА:** 3. Алишер Навоий ролини сахнада 25 йил давомида зўр маҳорат билан ижро этган машҳур ўзбек актёри. 4. Машҳур ўзбек хонандаси, халқ ҳофиси. 7. Ўзбек шоири, публицист, “Муштум” журналининг ташкилотчиларидан бири. 8. Кинорежиссёр Н. Фаниев фильмида Зухра ролини ижро этган актриса. 11. “Тошболта ошиқ” мусикали комедиясига куй басталаган Ўзбекистон халқ артисти. 12. Ўзбек демократ шоирларидан бири. 15. Пиримкул Қодиров яратган “Юлдузли тунлар” номли тарихий романнинг бош қахрамони. 16. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Меъмор”, “Хўжанд қалъаси (Темур Малик)” романларининг муаллифи. 17. Табобат соҳасида ўз даврининг Жолинуси (Галени) деб саналган олим, табиб ва мутафаккир. 22. Самарқандда, сўнгра Тошкентда яшаб ижод қилган рус рассоми (тахаллуси – Усто Мўмин). 23. Ҳарбий арбоб, генерал-лейтенант, иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси. 24. “Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин” деб уқирган машҳур олим ва файласуф (у Аристотелдан кейин “Муаллими соний” номи олган). 27. Рус туркшунос, шарқшунос олими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 28. Ўзбек халқ амалий санъатининг 105 йил яшаган намояндаси, Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик вакилли. 33. Асосан фельетончи сифатида шуҳрат орттирган ўзбек журналисти. 34. Республикамизнинг биринчи Ички ишлар вазири, генерал-майор. 35. Шарқнинг улкан шоири ва мутафаккири (Алишер Навоийнинг устози). 38. Таниқли ўзбек журналисти, адиб ва ҳуқуқшунос олим. 39. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси матнининг муаллифи. 40. Хоразмлик буюк ўзбек олими ва мутафаккири, қомусий билим соҳиб. 41. VIII асрда Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг ҳукмронлиги ва маҳаллий феодаллар зулмига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракатининг бошлиғи. 42. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби (ғазал мулкнинг султони). 43. Республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимларидан бири, юридик фанлари доктори, профессор.

**БЎЙИГА:** 1. Ўзининг илмий китоблари билан ўзбек адабиёти тарихини яратишга салмоқли ҳисса қўшган адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 2. Катта тарихий қимматга эга бўлган “Бадое ул-вақо” (“Ажиб воқеалар”) китобининг муаллифи. 5. Таниқли ўзбек невропатолог олими. 6. Маърифатпарвар ўзбек шоирларидан бири. 9. Ўзбек шоири ва хаттоти, “Раъно ва Зебо” достонининг муаллифи. 10. XII асрнинг охири XIII асрнинг бошларида яшаган бухоролик шоир ва тазкиранавис (“Нодир ҳикоялар” тўплами унинг қаламига мансуб). 13. Неру мукофоти билан тақдирланган Ўзбекистон халқ шоираси. 14. Ҳамза театрида узок йиллар ишлаб, сахнада қатор ёрқин образлар яратган таниқли ўзбек актёри. 18. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ўзбек шоири ва драматурги. 19. Биринчи ўзбек кинооператори. 20. Ўзбек органик кимёгар олими, академик. 21. “Маҳаллада дув-дув гап”, “Сен етим эмассан” фильмларининг постановкачи-режиссёри. 25. Таниқли ўзбек тилшуносларининг бири. 26. Санъатшунос олим, рассом (Ҳоди исми татар шоирининг ўғли). 29. Буюк ўзбек астрономи, математиги ва давлат арбоби. 30. Хоразмлик ўзбек шоири Мухаммад Раҳим (1865-1934)нинг тахаллуси. 31. Ўзининг “Ҳафт гулшан” номи достонини Нодирага бағишлаб ёзган ўзбек шоири. 32. Ҳиротда яшаган Ўрта Шарқ тарихчиси (Хондамирнинг бобоси). 36. “Икки эшик ораси” романининг муаллифи. 37. Ўзбек математиги, академик.

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**



2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

# Ehtirofom

МАХСУС САҲИФА

Яқинда Қашқадарё вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши аъзолари кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

## ҲИММАТ

Кенгаш раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик Жўраев бу борада эришилган натижаларни таҳлил қилди.

— Ҳозирги кунда вилоятимизда икки мингдан зиёд ички ишлар фахрийлари бор, — дейди М. Жўраев — Шундан 21 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 133 нафари эса ёлғиз ва ногирон кексалардир. Шу

кунгача 38 кишига моддий ёрдам сифатида 450 минг сўм, саксон беш кишига эса 509 минг сўм пул берилди. Фахрийлар тиббий кўрикдан ўтказилди, шифо талаблари саломатлигини тиклаш учун шифохона ва санаторийларга юборилди. Беморларга юз минг сўмликка яқин бепул дори-дармонлар тарқатилди. Бирорта пенсионер ва ногиронлар иж-

тимоий қўллаб-қувватлашдан четда қолгани йўқ.

Қирқ нафар фахрий вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Меҳмонларни Самарқанд вилояти ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги У. Дўстбеков кутиб олиб, Исмоил Ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилдирди. Фахрийлар шаҳардаги тарихий обидалар ва бошқа диққатга лойиқ жойларни ҳам томоша қилдилар. Саёҳат сўнггида Ургут туманидаги хушманзара жойда бир пиёла чой ташкил этилди.

Р. ТЎРАЕВ.

## ФАХРИЙЛАР ЙЎҚЛАНАДИ

Тошкент шаҳар Метрополитенини кўриқлаш ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгаши аъзолари Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олмақдалар. Байрам кунларида Кенгаш аъзолари ногирон ва ёрдамга муҳтож қарияларни, ички иш-

лар идоралари, айниқса метрополитен хизматида меҳнати синган фахрийларни бориб кўриш, уларга байрам совгалари тарзида моддий ёрдам беришни режалаштирган.

С. ҲАЙДАРОВ,  
истеъфодаги милиция подполковниги.

“Милиция оқсоқоллари” танловига

# МЕҲРИБОНИМ, ИФТИХОРИМСИЗ ОНАЖОН!

**Эл-юртга фойдам тегадиган инсон бўлиб камол топганим, мустақил Ўзбекистоннинг фарзандиман, дея гурурланишимнинг асосий сабабчиси мени дунёга келтирган онажоним — истеъфодаги милиция капитани Зебо Мансурова туфайлидир.**

Мен милиционерлар оиласида камол топдим. Шу боис бу касб ҳам оғир, ҳам шарафли эканлигини яхши билман. Ушбу вазифани адо этиш билан бирга оила бекаси бўлиш, оналик бурчини адо этиш икки барабар оғирлигини ҳамма ҳам билвермаса керак. Аммо мен буну чуқур ҳис этаман.

Онажоним Самарқанд шаҳрида, оддий деҳқон оиласида дунёга келдилар. У кишининг онаси, яъни бувим Норчучук ая қишлоғимиздаги болалар боғчасида ўттиз йил тарбиячи бўлиб ишлаган. Онажоним шаҳардаги педагогика билим юртини битириб, ўрта мактабда муаллимлик қила бошладилар.

Урушдан кейинги оғир йиллар. Бу пайтда

дадам Ёдгор Мансуров милиция соҳасида хизмат қилардилар. Бир куни у кишини бошлиқ чақириб: “Янглишмансам, умр йўлдошингиз муаллима. Ҳозир бизга миллий кадрлар ҳаводек зарур. Ўзбек аёллари камдан-кам ҳолларда ички ишлар соҳасида меҳнат қилади. Агар маъқул келса, рафиқангизни болалар инспектори қилиб ишга олсак”, дейди. Дадам онам билан маслаҳатлашиб, розилик берадилар. Шу-шу у кишининг ҳаёти ички ишлар билан боғлиқ ҳолда кечди. Ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб эгниларига милиция кийими кийдилар.

Онам одатда ишдан кеч қайтар, дадам

йўлларида чиқиб соатлаб кутардилар. Баъзан уйга ёш болалар билан бирга кириб келарди. Кейин билсам, улар адашиб қолган болалар экан. Бир воқеани қайта-қайта эсга оламан. Ўшанда кичкинагина қизалоқ бўлиб, 2-синфда ўқир эдим. Бир куни кечқурун кечки соат 22.00 ларда онам ишдан қайтганларида қўлларида жажжигина чақалоқ бор эди. Биз, болалар дарҳол у кишининг атрофини ўраб олдик. Шунда онам бу йўрғакланган гўдакни ахлат ичидан топиб олгани, шу пайтгача уни ҳеч ким сўраб-суриштириб келмагани, болалар уйига жойлаштиришга эса улгурмаганликларини айтдилар. Биз бола эмасми, бу ширинтойни ким, нима учун ахлатга ташлаб кетганлигини тушунолмай ҳайратга тушган эдик.

— Онажон, чақалоқ уйда қолсин, унга ўзим қарайман, овқат пишириб едираман, —

дея қанча ялинганим эсимда.

Яна бир воқеа. Совуқ қиш кунларидан бири. Онам эрталаб ишга кетганларича қайтавермагач, дадам хавотир олиб йўлга чиқиб турдилар. Кейин билсам, онам икки-уч нафар адашиб қолган кичкинтойларни болалар уйига жойлаштириш учун борганларида музда сирганиб кетиб, йиқилибдилар. Шунда оёқлари синиб, касалхонага олиб кетишибди. Болалар совуқда азоб чекмасин, оч қолмасин, ота-онаси топилгунча иссиқ жойда бўлишсин, дея уларга жон куйдирган эканлар.

Ҳатто, байрам кунлари у киши ўз хизмат жойларида бўлардилар. Онам ишлаган кезлари худудда бирорта бола хоҳ нон, хоҳ писта ёки қурт сотаётганини кўрмас эдингиз. Чунки турар жойлар доимо назорат қилиб бориларди. Бирорта боланинг ножўя иш қилаётганини кўрсалар, дарҳол танбех

берар эдилар. Маҳаллалар, мактаблардаги тарбияси оғир болаларни аниқлаб, суҳбатлар олиб бориларди. Уларнинг кўпчилигидан ҳозирда миннатдорчилик мактублари келиб турибди.

Умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган онажоним Сиёб тумани ички ишлар бўлимида қарийб қирқ йил вояга етмаганлар билан ишлаш назорати инспектори лавозимида ишладилар. Жонкуяр ва фидойи аёл ўз бахтини ҳалол меҳнат орқали топганлардан. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирилди. Ҳозирги пайтда улар онажоним бошлаган хайрли ишларни давом эттириб, халқ осойишталиги йўлида жонбозлик кўрсатишяпти.

Кўксини “Милиция аълочиси” кўкрак нишони безаб турган волидам уйда сариштали бека, беш ўғил ва икки қизнинг меҳрибон она-



си, йигирма тўрт невра, икки эваранинг бувижонисидир. Тўнғич фарзандлари Фарҳоджон Самарқанд вилояти ИИБда фаолият кўрсатапти, офицер. Иккинчи ўғил Жамшид ишчи, Шавкат халқаро тоифадаги учувчи, Шухрат шифокор, Шокир дурадгор, қизлари Хуршида вилоят болалар шифохонасида ҳамшира.

Ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган меҳрибоним, ифтихорим онажонимга мустақам соғлиқ, узок умр, фарзандлари бахтига доимо омон бўлишларини Оллоҳдан сўраб қоламан.

З. МАНСУРОВА,  
Самарқанд вилояти ИИБ  
тиббиёт бўлими ҳамшираси.  
Суратда: Зебо Мансурова.



Юртимизда табаррук инсонлар кўп. Улар орасида узок йиллар юрт тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилган ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам бор. Истеъфодаги милиция полковниги Муҳиддин Иноғомов умр йўлдоши Муқаддас ая Акбар қизи билан беш ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Ўн етти невра, олти эвара ардоғида бўлган табаррук инсонлар, шундай бахтиёр кунлар насиб этгани учун шукроналар айтиб, қариллик гаштини суришяпти.

Суратда: табаррук отахон ва онахон неваралари Жамола, Нозима ва Шоҳобиддин билан.

Асқар ака Ўтаевни яқин қабоғликлар яхши танишади. Умрининг асосий қисмини ички ишлар хизматида бағишлаган бу инсон туманда тинчлик, осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда фаол иштирок этди. Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек олижаноб ишдаги фаол-

## ЮРТ ЭЪЗОЗИДА

лиги туфайли эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Дарахт ширин-шакар меваси билан азиз, деганларидек, инсон ўзи ўстириб, вояга етказган, жамият, халқ иши учун ярайдиган фарзандлари, шогирдлари билан эъзозланади. А. Ўтаев ўзининг 28 йиллик фаолияти давоми-

да кўплаб милиция ходимларига хизмат сирлари, қийинчиликларни енгиш, касбни ардоқлашни ўргатди. Шу боис ҳам ҳозир шогирдлари ардоғида. Икки ўғил ва уч қиз отадан олган тарбиясини амалда намоеън этиб, эл ўртасида ҳурмат-эътибор қозонишяпти.

Қ. ХУДОЙҚУЛОВА.

## ФИДОЙИЛАР НОМИ ЎЧМАЙДИ

**Жиззах шахрининг шундоққина ёнгинасида жойлашган Ҳ. Носиров номи ширкат хўжалигидаги кўчалардан бири Пўлат Собиров номи билан аталади. Хўш, Пўлат Собиров ким? Унинг қайси хизматлари эвазига номи абадийлаштирилган? Ана шу саволга жавоб олиш учун П. Собиров номи берилган кўчага ташриф буюрдик.**

— Пўлат Собиров узоқ да қотиллик рўй беради. йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган, — деди меҳнат фахрийси А. Узоқова. — У киши Пахтакор тумани ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилганларида бирга ишлаганман. Ходимларга нисбатан меҳрибон, милиция хизматига бутун вужудини бахшида этган инсон эди. Кеч куз кунларининг бирида туман-

фидойи инсон милиция майори унвони билан нафақага чиқади. Кейин умрининг охиригача жамоат ишларида фаоллик кўрсатади.

П. Собиров кўчасида ўйнаб юрган болаларни суҳбатга тортдик.

— Пўлат Собиров ким бўлган?

— Милиционер, — деди улардан бири.

— Йўқ милиционерлар бошлиғи бўлганлар, — деди бошқаси.

— Орангизда милиционер бўлишни хоҳловчилар борми?

Болажонлардан икки-учтаси мен, мен дея кўлини кўтарди.

Кенг, равон кўчанинг икки четига мевали дарахтлар экилган. Соҳибаси орасталикни хўш кўрадиган хонадонларнинг давозаси олди, кўчага сув сепилган.

Инсон элга нафи тегадиган бирор хизмати учун кишилар қалбидан жой олади. Орамизда шундай одамлар борки, тириклигидаёқ ўз номи ни мангуликка муҳраб кўяди. П. Собиров ана шундайлардан бири бўлган. Бугунги кунда унинг табаррук номи абадийлаштирилган.

Пўлат Собиров кўчасида яшаётганлар фидойи инсонни яхши билишади, у билан фахрланишади.

**Ш. САДРИДДИНОВ.**

## БАЙРАМОЛДИ МУСОБАҚАЛАРИ



**Бухоро вилояти ИИБ ходимлари ўртасида Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига бағишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Вилоят “Динамо” жамияти ташкил этган миллий кураш беллашувида ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва тергов ҳибсхонаси жамоасига насиб этди.

Вилоятдаги ички ишлар идоралари ходимлари А. Жўраев, С. Гадоев, У. Жўраев, Ш. Жўраев, М. Ашрапов, С. Назаров, О. Қиличевлар ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб бўлдилар.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**О. РОПИЕВ,**

*милиция катта лейтенанти.*

## ВАТАНИМНИ МАДҲ ЭТАМАН!

**... Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг Бош майдони яқинидан ўтар эканман, радиокарнайдан таралаётган кўшиқ эътиборимни тортди. Кўшиқни ички ишлар идоралари ижодий жамоалари ўртасида бўлиб ўтган “Ўзбекистон кўшиқ байрами” VII Республика – кўрик-танлови ғолиби, Қарши шаҳар милиция бўлинмаси милиционер, милиция катта сержанти Баҳодир Мансуров куйлаётган эди. Шу баҳона катта тантанада асосий кўшиқлардан бирини ижро этишдек бахтга муяссар бўлган инсон билан суҳбатлашиш нияти пайдо бўлди.**

— Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғида, оддий пахтакор оила-сида туғилганман, — дейди Баҳодир. — Отам Жалил ота “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор”. Онам Хосият опа эса уста пиллакор. Хуллас, оиладаги беш ўғил, бир қиз туғилгандан пахта дала-си-ю, ипак қуртини

дамиз. Мендаги кўшиқчиликка ҳавасни билган раҳбарият қўллаб-қувватлади. Мана, бир неча йилдирки, ички ишлар идораларида ўтказиладиган кўрик-танловда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқдаман. Бу йилги VII кўрик-танловда милиция майори Ў. Ҳайдар шеър, Р. Зиёдов мусиқаси билан “Қариялар — бахтимиз” кўшиғини ижро этиб, олий ўринга сазовор бўлдим.

Кўрик-танловдан кейин устоз санъаткорлар мени Мустақиллик тантаналарида кўшиқ ижро этишга таклиф қилишди. Байрам куни Мустақиллик майдонида ижро этиладиган асосий “Она юрт кўшиғи”-

ни Мудофаа вазирлиги вакили Марат Ҳакимов билан ҳамкорликда тайёрладик. Байрам дастури кўшиқларини яратишимизда Қарши санъат билим юрти ўқитувчиси Р. Зиёдов, Мудофаа вазирлиги қошидаги ҳарбий ансамбль дирижёри, ички хизмат майори Авазбек Маллабоев, таниқли бастакор Анор Назаровлар жуда катта ёрдам бермоқдалар.

Менга, оддий бир деҳқоннинг фарзандига мамлакатимизнинг Бош майдонида, юрт-бошимиз, кўплаб раҳбарлар қатнашадиган тантанада кўшиқ айтиш насиб этганидан бахтиёрман.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА**  
ёзиб олди.

## ТАРБИЯНИНГ ЯНГИЧА УСУЛИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасига қарашли тарбия муассасасига Мирзо Улугбек тумани ИИБ раҳбарияти ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги “Посбон” маркази ташаббуси билан туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси рўйхатида турган тарбияси оғир болаларнинг учрашуви уюштирилди.**

Муассасага ташриф буюрган болалар жазони ўтаётган вояга етмаганлар ҳаёти билан яқиндан таништирилди. Улар жиноят кўчасига кириб, жазога тортилганларнинг яшаш жойи билан яқиндан танишиб, ўзларига керакли хулоса чиқариб олишди. Тарбиянинг янгича усули тез кунда ўз натижасини беришга шак-шубҳа йўқ.

**Д. МҶМИНОВА.**

## ЙИГИМ-ТЕРИМНИ ТАЛАФОТСИЗ ЎТКАЗАЙЛИК

**Мамлакатимизда пахта йигим-теримига киришилмоқда. Заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнатлари эвазига бунёд этилган қимматбаҳо хом ашёни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва қабул пунктларига етказиб бериш долзарб вазифадир.**

Бу муҳим ишда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этадилар. Мавсум олдидан Республика ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва жойлардаги куйи тизим ходимлари йигим-терим давомида пахта ҳосилини содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлардан асраш чоралари, тозалаш ва қайта ишлаш корхоналари, қабул қилиш пунктлари, хирмонлар ва ҳашарчилар вақтинча жойла-

шадиган турар жойларда ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш учун бир қатор ишларни режалаштириб, амалга оширмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни териб олиш, қуритиш, гарамлаш ва қайта ишлаш чоғида ёнғиндан асраш муҳимдир. Бунинг учун мавсум бошланишидан якунлангунга қадар пахта хирмонлари, қабул қилиш масканлари, қайта ишлаш корхоналари ҳамда пахта теришга, ташишга жалб этилаётган транспорт воситаларини мав-

сумга шай ҳолга келтириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва назорат этиб туришни бўшаштирмаслик лозим.

Пахтани қабул қилиш пунктлари ва қайта ишлаш корхоналарида кичик механизмлар ва электр симларининг носозлиги туфайли ёнғин содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи камчиликларни аниқлаб, ёзма кўрсатмалар бериб, ҳокимликлар ва юқори ташкилотларга ахборот ва йўриқнома-лар юборилмоқда.

Текширувда Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Боғот, Риштон, Бешариқ пахта заводлари, Рапқон пахта қабул

пунктида ёнғин хавфсизлиги қоидалари кўпол равишда бузилаётгани аниқланди. Бу корхоналарда ёнғинга қарши курашиш учун бирламчи ўт ўчириш воситалари етарли эмас, ҳанузгача мавжуд техник асбоб-ускуналар ёнғин хавфсизлигини сақлаш мақсадида текширувдан ўтказилмагани аниқланди.

Корхона, қабул пунктларида кичик механизацияларнинг носозлиги (транспортёрлар, бунт титиш мосламаси, ҳаво сўриш насослари, вентилятор ва бошқалар), улардан фойдаланишнинг техник шартлари-га, ишлатиш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, эскириб кетган ва махсус текширувдан ўтказилмаган электр сим ва кабеллар-

нинг қисқа туташуви, электр симларнинг тақсимлаш қутиларда сақлагичларнинг ўрнига қўлбола мосламалардан фойдаланиш ва бошқа шу каби камчиликлар ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

Пахта териладиган ва сақланадиган жойларда чекиш ҳамда очиқ оловдан фойдаланиш, пахта териш машинасини бирламчи ёнғин ўчириш воситаларисиз ва учқун ўчиргичсиз ишлатиш, трактор ва машиналарнинг ёқилги таъминоти, мойлаш ускуналаридан ёқилги сизиб чиқиши ҳам хавфли ҳисобланади.

Шундай экан, йигим-терим даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиб, етиштирилган мўл ҳосилни офатлардан асраш учун бутун куч ва имконитларни ишга солиш талаб этилади.

**Д. ҚАМБАРОВ,**

*ички хизмат катта лейтенанти.*

# ОТ — ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бўлинмаси йўл-патруль гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти Талъат Алиев болалигидан отга меҳр қўйган. У билан суҳбатимиз инсон қаноти ҳисобланган от ҳақида бўлди.



— Ривоятларда айтилишича, Тангри таоло барча ҳайвонларга қарата, инсонга қайси бирингиз йўлдош бўласиз, деганда биринчи бўлиб от сафдан чиқиб келган экан, — дея гап бошлади суҳбатдошимиз. — Тарихий китобларда ҳам чавандозлар ҳақида гап кетади. Буюк аждолларимиз, қахрамон саркардаларнинг отлари ҳам машҳур бўлган, барча жангу жадалларда отлик аскарлар ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Қишлоқларда от деҳқон қаноти эканлигини айтмаса ҳам бўлади. Шунинг учун бўлса керак бу жонивор инсонлар томонидан эъзозланади.

— **Талъат, сиз отни қайси хислатлари учун ёқтирасиз?**

— Бу жониворнинг ажойиб хислатлари кўп. Бувам бир воқеани айтиб бергандилар. Сурункасига беш-олти пойгада совринни олиб кетган чавандознинг ғанимлари унинг отини ўғирлаб, ўзини ўлдириб кетишади. От бунни сезиб, қаттиқ безовталанади. Кейинги мусобақага чавандозни ўлдирган ғаним отни миниб чиқади. Пойга бошланганда от фирром чавандозни

олиб қочади, унга бўйсунмай, устидан ағдариб, тепиб ўлдиради. Бу отнинг ўз эгасига вафодорлигидан далолатдир. Ўзимнинг пешонаси оқ қашқали отим бор эди. Уни кўп марта пойгага олиб боргандим. Бир куни қашқанинг ўрнига бошқа отни миниб бордим. Эшикдан чиқаётганимда қашқа қаттиқ кишнади. Пойгадан келганимда эса у ҳатто қайрилиб қарамади. Яқинлашганимда чунонам тепдики, чап бериб қолмаганимда тирик қолишим гумон эди. У мени қизғонинг шундай қилганди. Анча вақт “аразлаб” юрди. Отнинг инсонга нисбатан вафодорлиги ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Эртак, ривоятларда эгасининг бошига тушадиган мусибатларни сезиб, қиргинбарот жанглардан омон олиб чиқиб, ғанимлар билмайдиган, кўрмаган жойларга элтгани ҳақида бежиз айтилмаган.

— **Отларнинг тури кўп, сиз қайси бирини парварिशлайсиз?**

— Бир китобда ёзилишича ер юзида отнинг юздан ортиқ тури бор экан. Балки ундан ҳам кўплар. Қўлга ўргатилган, фойда-

ланиладиган турларининг ҳаммаси инсонга дўст, йўлдошдир. Учқурликда донғи кетган ва тенги йўқ ҳисобланадиган ахалтекин отларининг ишқибози кўп бўлади. “Қорабозор”да беҳисоб пулга сотилган отларни кўрганман. Ўзимнинг қорабайирлар ҳам улардан қолишмайди. Улоқ чопишга жуда қўл келадиган бу жониворлар билан фахрланасан арзийди.

— **Гоҳида отнинг деви бўлади, деган гапларни эшитиб қоламиз...**

— Ҳақиқатга яқинроқ гап. Бунга ўзим кўп гувоҳ бўлганман. Бир отим бор эди. Ёллари гоҳ-гоҳида худди қизларнинг сочи сингари ўрилиб қоларди. Уни ечиб қўярдим, кечқурун силлиқ ялтираб турган “сочлар” эрталаб яна ўрилган ҳолда бўларди. Тунда от миниб кетаётган кишининг ёнига ҳар хил махлуқотлар яқинлаша олмайди. От одатда тик турган ҳолатда ухлайди. Унинг олдига тунда келишдан олдин сал наридан овоз бериб, уйғотиб кейин келиш керак. Бирдан яқинлашиб борилса, жонивор хуркиб, тепиб юбориши мумкин. Кекса чавандозлардан бундан ҳам қизиқ гапларни эшитганман.

От минганда унинг қулоқлари ўртасидан жаннат шамоли эсиб тураркан. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам отни жуда эъзозлаганлар.

Отнинг яна бир бебаҳолиги, уни доимий равишда миниб юрганлар касалликка нисбатан камроқ чалинади. Бу ҳақда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ёшгина йигит касалдан боши чиқмай, ҳолдан тойиб қолган экан. Укол ололмайди, дори ичса, бадтар бўлади. Унга от мишиши тавсия қилишади. Ўзим отимни бериб тур-

дим. Ҳар куни бир-икки соат, ярим яланғоч тарзда, от устига оддий бўз мато ёпиб, миниб юрди. Кундан-кунга иштаҳаси очилиб, қувватга кира бошлади. Аввалига уни ўзим отга миндириб қўярдим. Куч-қувватга тўла бошлагандан кейин, отга сакраб миниб оладиган бўлди. Кейинчалик касалидан асар ҳам қолмади, ҳозир уйланиб, фарзандли бўлган.

Ота-боболаримиз бежиз ўғил болаларга ўсмирлик даврида кўпроқ от миндиришмаган. Йигитга от қуввати ўтади деганлари бежиз эмас. Ўсмир ҳар томонлама қувватга тўлади.

— **От спорти билан ҳам шуғулланасизми?**

— Ҳар йили кеч куз, қиш ойларида улоқ чопгани бораман. Мен учун энг завқлиси улоқ. Кўпқариларда иштирок этаман. Республика от спорти олий маҳорат мактабига қатнайман. Бу ерда ўқитувчи мураббий Алик Раҳматуллаевдан чавандозлик сирларини ўрганияпман. Тўсиқлар оша ўтказиладиган машқларда иштирок этаяпман. Аниқроғи, отимни ўргатайман.

Кимдир тўти боқади, бошқа биров беданага ишқибоз бўлади, итларни жонидан яхши кўрадиганлар бор. Мен ўзимни отсиз тасаввур қилолмайман. Яқинда бир отим тўсатдан ўлиб қолди. Ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Бири иккинчисининг ўрнини босолмайди. Ноилож, кўникапман. Хизматдан чарчаб, ҳориб келганимда эшикдан киришим билан отларим бирин-кетин кишнаб, кутиб олади. Бутун чарчоғим чиқиб, кайфиятим кўтарилиб, ўзимни енгил ҳис қиламан. Тўғри отхонага бориб, отларни кўриб, бирма-бир силаб, кейин уйга қираман. Дунёда отни севмаган киши жуда кам бўлса керак. От — йигитнинг қаноти.

**Суҳбатдош:**  
**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

**Суратда:** Т. Алиев ўз оти билан.

**Муаллиф олган сурат.**

*Профилактика инспектори фаолиятидаги ютуқлар аҳоли билан ҳамкорликда бажариладиган ишларга ҳам боғлиқ. Бунга яхши билган Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани “Ўзбекистон” жамоа хўжалиги профилактика инспектори, милиция лейтенанти Толмас Юсупов хўжалик фаоллари билан тез-тез учрашиб, иш юзасидан маслаҳатлашади.*

**Суратда:** Т. Юсупов фаоллар даврасида.

**М. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.**



## Меҳр

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**Муштарийларнинг саволларига ҳуқуқшунослар Н. Ҳабибуллаев ва Ҳ. Мусабоевалар жавоб берадилар.**




**Савол: — Агар фуқаро тўсатдан йўқолиб қолса, у қанча вақтдан сўнг бедарак йўқолган ҳисобланади?**

**О. Алиев.**  
**Бобкент тумани.**

**Жавоб: —** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33-моддасига мувофиқ, фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойидан бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ, суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш имкони бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.



**Савол: — Фамилиямни ўзгартироқчи эдим. Бунинг учун нима қилишим керак?**

**Р. Турдалиева,**  
**мактаб ўқувчиси.**

**Жавоб: —** Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 226-моддасига кўра фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади. Ушбу кодекснинг 70-моддасига биноан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча фарзанд манфаатларини эътиборга олиб, унинг исмини ўзгартиришга, шунингдек унга берилган фамилияни отаси ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бу ишларни амалга оширишда туман ФХДЁ бўлимига мурожаат қилсангиз кифоя.



**Савол: — Маҳкумлар меҳнатига қандай ҳақ тўланади? Шу ҳақда билмоқчи эдим.**

**Б. Обидов.**  
**Тошкент вилояти.**

**Жавоб: —** Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 92-моддасига асосан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади. Барча чегирмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисоб варағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, 60 ёшдан ошган эрақларнинг, 55 ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек, манзил-колониалар ва тарбия калонияларидаги маҳкумларнинг ҳисоб варағига эса камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

# БАЙРАМ КУНЛАРИ ЁПИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН КЎЧАЛАР РЎЙХАТИ



## 31 август куни соат 14.00 дан 22.00 гача

- Навоий кўчаси — Абай кўчасидан А. Темура кўчасига қадар;
- У. Юсупов кўчаси — Навоий кўчасидан А. Қодирий кўчасига қадар;
- А. Темура кўчаси — Истиқлол кўчасидан А. Навоий кўчасига қадар (жамоат транспорти қатновига А. Қодирий кўчасидан Шаҳрисабз кўчасига қадар рухсат берилади);
- Пушкин кўчаси — А. Темура хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Мусахонов кўчаси — А. Темура хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Охунбобоев кўчаси — А. Темура хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Мовароуннаҳр кўчаси — Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
- Т. Шевченко кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
- Буюк Турон кўчаси — Х. Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;
- Ш. Рашидов кўчаси — А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;
- Ўзбекистон кўчаси — Абай кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасига қадар;
- Афросиёб кўчаси — Ш. Рашидов кўчасидан Т. Тўла кўчасига қадар;
- Т. Тўла кўчаси — Афросиёб кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;
- Тошкент метрополитенининг “Мустақиллик” бекати 31 август соат 14.00 дан то 22.00 гача вақтинча ёпиб қўйилади.

## 1 сентябрь куни соат 6.00 дан 22.00 гача:

Мустақиллик майдони, Халқлар Дўстлиги саройи, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдони, Навоий театри майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Бобур боғи, А. Темура ва Улуғбек хиёбонларига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазиятга қараб транспорт воситаларининг қатнови тўхтатилади. Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилган.

## Найранг

# ФОЛБИННИНГ СИРИ ОЧИЛДИ

**Боғотда нафаси ўткир фолбин бор эмиш. У оловда қизиб, чўғ бўлган капирни тилига босиб, кимнинг нимаси ўғирлангани, буюмлар қаердалигини аниқ айтиб берармиш... Бу “миш-миш”лар оғиздан-оғизга ўтиб, фолбиннинг донги кўшни вилоятларга ҳам ўта бошлади.**

Ана шундай кунларнинг бирида янгиариқлик Бозорбой аканинг тўйга боқатган семиз хўкизи гоёиб бўлди. Кун бўйи қишлоқмақшилоқ қидирган Бозорбой ака хўкизини тополмади. Шунда кўшниси унга Боғот туманидаги Огаҳий номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи “капирчи” фолбинга учрашишни маслаҳат берди. Бозорбой ака дарҳол таксига ўтириб, унинг уйини топиб борди.

— Бугун дам олиш куним, — деди хонанинг тўрида ёнбошлаб ётган фолбин, — одам кўп келди. Барчасини “эртага келинлар”, деб қайтариб юбордим. Сизга ҳам шу гап!

Бозорбой ака қандай бўлмасин фолбиннинг кўнглини топишга ҳаракат қилди.

— Жон домла, Янгиариқдан келгандим.

— Нима бўлибди? — Бозорбой аканинг гапини бўлди фолбин. — Туркманистон, Қорақалпоғистондан келатганлар ҳам бор...

Бозорбой ака фолбиннинг кўпол муомаласидан таъби хира бўлиб, ўрнидан турди.

Фолбин уни кузата бошлади. Буни сезган Бозорбой ака тўхтаб, орқасига ўтирилди.

— Домла, йўқ деманг, мана шуни сизга атаб олиб келгандим.

У ўн минг сўмни дастурхон чеккасига қўйди. Фолбин пулни

кўриб, жонланди. Сал юмшаб, гап бошлади:

— Хўкизингизни ўғирлашибди, шундайми?

Бозорбой ака бу гапни эшитиб, шошиб қолди. Буни сезган фолбин пулни у ёқ, бу ёғини айланттириб гапида давом этди. — Эртага келинг, хўкизингизнинг тақдирини қандай эканлигини айтиб бераман.

— Топилдимми ўзи?

— Энди, 300 кило чиқадиган хўкизга бераётган хайр-эхсонингиз камроқ-да, — кулимсираганича пичинг қилди фолбин.

Бозорбой ака костюмининг чап чўнтагидан ҳам ўн минг сўм олиб фолбиннинг олдига қўйди.

— Қўймадингиз, қўймадингиз-да, — дея фолбин ёнидаги оқ матога ўралган капирини қўлига олди ва уни ёнаётган газ плитада бир неча дақиқа қиздирди. Сўнгра чўғ бўлиб қизиган капирни тилига босиб, нималардир деб пичирлади.

— Хўкизингиз тирик, — деди фолбин унинг ҳаракатидан ҳайратда қолган Бозорбойга ва қўлидаги капирни чеккароқдаги ликопча устига қўйди. — Суюнчисини берсангиз, унинг қаерда турганини айтаман.

Бозорбой ака шимининг чўнтагидаги 5 минг сўмни ҳам фолбиннинг олдига қўйди. У пулга қараб индамай ўтирди. Бозорбой ака “берган пулимни оз кўрди”, де-

ган хаёлда майда пуллари ҳам дастурхонга тўкди. Шундан сўнггина фолбин тилга кирди.

— Янгиариққа бораверишдаги катта йўлнинг чап томонида эски дала шийпони бор. Хўкизингиз ўша ерда боғлиқ турибди. Бирор соатдан кейин уни ўғирлар олиб кетиши мумкин.

Бозорбой ака шошилганча таксига ўтириб, айтилган шийпонга етиб келди. Хўкизи шийпон орқасидаги толга боғланганича турарди. Шундан сўнг янгиариқликлар фолбинни оғиздан қўймай, мақтайдиган бўлишди.

Кўп ўтмай Қодир ака ҳам сигирдан айрилиб қолди. Эртасига эса У. Шарифбойнинг 4 бош қўйи, К. Ботирнинг бир йўла иккита хўкизи гоёиб бўлди. Улар зудлик билан фолбиннинг хузурига ошиқшиди. Нажот излаб борганларнинг баъзилари моли топилганидан суюниб, бошқалари бор-будидан айрилиб қайтишди.

Фолбиндан умидини узган К. Ботир ва С. Қодирлар Янгиариқ тумани ИИБга келиб, воқеани баён қилишди. Туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция майори Жонибек Рўзметов бошчилигидаги тезкор гуруҳ ишга киришди. Олиб борилган тадбирлар натижасида калаванинг учи “капирчи” фолбинга бориб тақалди. Ички ишлар бўлимига олиб келинган нафаси “ўткир” фолбин тақдирга тан бериб, бор гапни айтиб берди. Содда кишиларнинг молу қўйларини ўғирлаб, суюнчи эвазига топиб бераётган бу фирибгарнинг ўзи ўғри бўлиб чиқди.

**Х. ЖАБОРОВ.**

## Пайшанбадан пайшанбагача

### ТОМТЕШАРНИНГ ТАҚДИРИ

Ярим тунда қашқадарёлик Ш. Яккасарой туманидаги Қушбеги мавзесида жойлашган хусусий дўкон томини тешиб, ичкарига кирди. Уни сезиб қолган қоровулни куч ишлатиш йўли билан кўрқитиб, дўкондаги 500.000 сўм пулни олиб, жуфтани ростлади. Бироқ шу ҳудудда юрган сергак милиция ходимларини гафлатда қолдиролмади.

### ЁРДАМ БЕРГАНИДА ЭДИ...

Избоскан туманидан ўтган “Андижон-Пахтаобод” йўлида велосипедда кетаётган И. С.ни номаълум автомашина уриб кетди. Ҳайдовчи жабранувчига ёрдам бермай, қочади. Оқибатда И.С. оламдан ўтади. Қидирув ишлари натижасида ушбу ҳодисани 1954 йилда туғилган А. содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

### КОЧИБ КЕТОЛМАДИ

Оҳангарон туманида ярим тунда фарғоналик Ш. пайдо бўлди. У “Ангрен” ширкат хўжалиги ҳудудида наманганлик тадбиркор О. Маҳкамовнинг “М-412” русумли автомашинасини ҳайдаб қочаётган вақтда ушланди.

**И. МИНАВАРОВ,**  
милиция майори.

### ЭГАМБЕРДИ КАРИМОВИЧ АЛИҚУЛОВ

Азиз ҳамкасбимиз, тажрибали ёнгин хавфсизлиги ходими, ички хизмат прапоршчиги Эгамберди Каримович Алиқулов хизмат бурчини бажараётиб, бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди.

Э. Алиқулов ҳаётининг ўн етти йилдан кўпрогини ёнгин хавфсизлиги идораларида хизмат қилиб, ёнгинларнинг олдини олишга, ҳалқимиз осойишталигини таъминлашга бағишлади.

Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисмининг ҳайдовчиси Э. Алиқулов меҳнатсеварлиги, жасурлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган эди. У билими, касб маҳоратини мутасил ошириб борар, ҳамкасбларини ҳам шунга ундар эди.

Марҳум ҳамкасбимизнинг ёрқин хотираси дўстлари қалбида доимо яшайди.

**Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят “Дўстлик байроғи” газетаси бош муҳаррири

#### Маҳмуд МАРДИЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги

#### Салом САТТОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадидилар.

Самарқанд вилояти ҳамда Оқдарё тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби профилактика катта инспектори, милиция капитани Шодикул Доверовга падари бузруквори

#### ТУЙМА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадидилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ бўлинмаси сардорининг ўринбосари, милиция лейтенанти Фанишер Бўтаевага отаси

#### ЖОНИЗОҚ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадидилар.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir  
Shuhrat  
MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib  
B. AZIMOV  
Navbatchi:  
Sh. XUDOYBERDIYEVA  
Musahhihlar:  
M. AKRAMOVA  
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:  
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Mas'ul kotib 139-73-88.  
muxbirlar  
bo'limi 139-75-69.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari  
bo'yicha murojaat uchun  
faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob  
raqamlarimiz  
O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki  
Toshkent viloyati  
Bosh boshqarmasi.  
hisob raqami:  
21596000500447980001,  
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB  
O'zbekiston A.J.  
20210000300447980002  
MFO 00831,  
i/r 5033853  
INN 200637499

· Ko'chirib bosishda  
«Postda»dan ekanligini  
ko'rsatish shart  
· Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
· Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston  
Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Buyurtma Г — 645.  
Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish  
vaqti — 19.00.  
Bosishga  
topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366

41.976 nusxada chop etildi.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.